ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

МАҲМУД КОШҒАРИЙ ВА УНИНГ “ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ ТУРК” АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Асрор Низомов
Тошкент давлат Чирчиқ давлат педагогика институти доцент

Чарос Икромовна Маҳмудова
Тошкент давлат Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

Зебо Зариповна Аширова
Бухоро вилояти Қоракўл тумани 41-мактаб ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Маҳмуд Кошғарийнинг буюк китоби “Девону луғатит турк” шу даражада кенг қамровли, тарбиявий мазмунга бой жуда кўплаб маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Работи Малик, Масжиди Калон, Минораи Калон, Вобкент минораси, Жарқўрғон минораси, Мағоки Аттори масжиди, Шоҳизинда ансамбли, Хоразм.

ABOUT THE HISTORY OF MAHMUD KASHGARI AND HIS WORK "DEVONU LUGATIT TURK"

ABSTRACT

Mahmud Kashgari's great book "Devonu lug'atit turk" contains such a wide range of information, rich in educational content.

Keywords: Raboti Malik, Kalon Mosque, Kalon Minaret, Vobkent Tower, Jarqurghon Tower, Magoki Attori Mosque, Shahizinda Ensemble, Khorezm.

КИРИШ

Б.Тўхлиев 1060-1070-йилларда ёзилган машҳур “Қутадғу билиг” асарининг улуғ шоир Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ёзилишида ёзма оғзаки адабиётнинг XI асргача бўлган барча анъаналари ўз ифодасини топганлиги ҳамда асарда 30 дан ортиқ касб-ҳунар, фаннинг турли соҳаларига оид атамалар кўплаб учрашини ёритиб берган. Б.Тўхлиев “Ўзбекистон Адабиёти ва санъати” рўзномасининг №42. 2020 йил 27-октябрь сонида эълон қилинган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

“Ўзбек тилига қўйилган ҳайкал” мақоласида ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг илк устозларидан бири Қашғарлик Ҳусайн халифа эканлиги сўнгра у Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Боғдоддаги мактаб ва мадрасаларда ўз илмини оширганлиги ҳақида бир қатор маълумотлар келтиради.

Ўзбекистон энциклопедиясининг XIV томида эса Қорахонийлар даврида барпо этилган марказлашган давлатчилик, ўлкада санъат ва адабиёт ривожига катта имконият яратиб берилганлиги, ўша даврда бунёд этилиб, ҳозиргача сақланган Работи Малик, Масжиди Калон, Минораи Калон, Вобкент минораси, Жарқўрғон минораси, Мағоки Аттори масжиди, Шоҳизинда ансамбли, Хоразмда ҳам ғишт ва пахсадан қурилган Бўрон Қалъа, Ноиб қалъа, Қубод қалъа харобалари, Фахруддин Розий мақбараси бу даврда меъморчилик санъати юксак даражада бўлганлиги кўрсатилади.

“Сирли олам” 2000 йил июньдаги сонида Н.В Гогольнинг “Ал-Маъмун” мақоласи Асрор Низомов томонидан таржима қилинган. Бунда Боғдодда кучли илмий мактаб шаклланганлиги, диний-дунёвий илмларнинг барча йўналишлари гуркираб ривожланганлиги айни Маҳмуд Кошғарий яшаган XI асрда ҳам анча барқарорлиги ёритилиб, Боғдоддаги саройда улкан кутубхона ташкил этилганлиги, унда Юнон, санскрит, ҳинд, хитой, турк тилидан араб тилига, араб тилидан бошқа тилларга ўгирилган ноёб таржималар халифа саройининг кўрки, безаги, ғурури бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари I II III томларида географларни ҳам қизиқтирувчи кўплаб халқ географик терминларининг маъно-мазмуни жой олганлиги ҳамда кўплаб тарбиявий насиҳатлари киши кўнглига ором бериши изоҳланган.

Маҳмуд Кошғарийнинг тўлиқ исми: Маҳмуд Ибнулҳусайн ибн Муҳаммадил Кошғарийдир. Нима учун буюк аллома ўзига “Кошғарий” тахаллусини танлади?! Чунки унинг бобоси Қорахонийлар сулоласининг типик вакили Қорахоний ҳукмдор Юсуф Қодирхон(1026-1032) Қашғарда туғилган бўлиб, унинг, яъни ёш Маҳмуднинг отаси Ҳусайн ва онаси Биби Робия ҳам ўз даврининг билимдон, олижаноб, етук тарбия кўрган, хушфеъл инсонлардан саналар эди (Носир Муҳаммад - 2010, 63-бет). Маҳмуд Кошғарийнинг бобоси асли Қашғарлик бўлсада, умрининг кўп қисмини Боласоғун (ҳозирги Қирғизистон ҳудудидан оқиб ўтувчи Чу дарёси бўйидаги шаҳар)га кўчиб келиб,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

шу ерда яшаб 1025-1032-йиллар давомида улкан Қорахонийлар давлатига хоқонлик қилди. Чунки Қорахонийлар пойтахти Қашғар бўлиб, кейинчалик у Боласоғун, кейин Ўзган ва яна Қашғарга кўчганлиги тарихий. маълумотларда қайд этилган. Шоҳ Юсуф Қодирхоннинг ўғли Ҳусайнхон ҳам Қорахонийлар давлатини қисқа давр (1056-1057-йил)ларда бўлса ҳам бошқариб турди. Қорахонийлар даврида барпо этилган марказлашган давлатчилик, ўлкада санъат ва адабиёт ривожига катта имконият яратиб берди. Ўша даврда бунёд этилиб, ҳозиргача сақланган Работи Малик, Масжиди Калон, Минораи Калон, Вобкент минораси, Жарқўрғон минораси, Мағоки Аттори масжиди, Шоҳизинда ансамбли, Хоразмда ҳам ғишт ва пахсадан қурилган Бўрон Қалъа, Ноиб қалъа, Қубод қалъа харобалари, Фахруддин Розий мақбараси бу даврда меъморчилик санъати юксак даражада бўлганлигини кўрсатади (Ўз. Э. XIV т, 182-бет). Худди ўша 1060-1070-йилларда ёзилган машҳур “Қутадғу билиг” асарининг Боласоғуннинг улуғ шоири Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ёзилиши ҳам худди шу даврлар маданияти ўлароқ шаклланди деган киши кўп янглишмайди. Ушбу китобда ёзма оғзаки адабиётнинг XI асргача бўлган барча анъаналари ўз ифодасини топган. Унинг мисраларида 30 дан ортиқ касб-ҳунар, фаннинг турли соҳаларига оид атамалар кўплаб учрайди (Б.Тўхлиев-1991,3-бет). Ушбу кўрсатгичларнинг барчаси Қорахонийлар даври, унинг бош шаҳри Боласоғун ўз даврида йирик маданият марказига айланганлигидан дарак беради.

Боласоғун бир вақт Қуз урду (Қуёш оғган томонидаги ўрда-ўрта шаҳар-А.Н.) номи билан ва бир вақт Қуз Ўлур (Қуёш оғган томондаги улуғ шаҳар-А.Н.) номи билан юритилган. У энг қадимги марказий шаҳарлардан биридир. Мирхонд “Ҳабибус Сияр”да бу шаҳар тўғрисида “Ғуболиқ”- яхши шаҳар деб ёзади. Аммо “Девону луғатит турк” китобининг таржимони домла С.М.Муталлибов ҳам ушбу шаҳарнинг аниқ жойлашган нуқтасини кўрсатмасдан ўтади. Бухоро ва Самарқанддан кўчиб борган суғдоқлар Боласоғунда жойлашиб қолган ва турклашиб кетган эдилар. Боласоғун энг катта шаҳарлардан бири халқи ҳам туркий, суғдча сўзлашур эди(С.М.Муталлибов - 1960, 468-бет). Боласоғун “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси” томонидан 1999-йили Тошкентда нашр қилинган “Ўзбекистон тарихи атласи” номли карталар жамланмасининг 10-11-саҳифасида акс этган “Марказий Осиё давлатлари XI-XII-асрларда” номли картада Боласоғун ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги Чу дарёси водийсида, аниқроғи замонавий Бишкек(қадимда Пишпек – А.Н.) шаҳридан тахминан 150-200 км

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

жануби-шарқ, Иссиққўлнинг ғарбий соҳилидан 100-150 км шимоли-ғарб томонида жойлашганлиги акс этган.

Буюк Қорахоний хоқон Ҳусайнхон ва унинг рафиқаси малика Биби Робия фарзандлари Маҳмудни илмли, фозил инсон бўлишини жуда хоҳлашган. Бу фикримизни айнан тасдиқловчи бирон манбага эга эмасмиз, аммо "Девону луғатит турк" да Маҳмуд Кошғарий томонидан келтирилган айрим мисралар биз томонда тургани ҳолда баёнимизни ёқлайди. Мисол учун:

Алғил ўгут мендин, оғул эрдам тила,

Бойда улуғ билга болуб, билгин ула.

"Ўғил мендан ўгит ол, фазилат тила, эл юрт орасида улуғ олим бўл, илмингни тарқат" (ДЛТ- I т, 85-бет). Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу сатрлари гўёки унинг отаси Ҳусайнхон ва волидаи муҳтарамаси Биби Робия тилидан айтилгани каби таассурот уйғотади кишида. Шу боисдан яъни ота-она ўгити асосида буюк олим гарчанд шаҳзода бўлсада, ўз келажагини тахт устида эмас, балки китоб сатрларида кўрди.

Ёки: Оғулум сена қозурмен ардам хумору,

Билга эриг болуб сен баққил анин табару.

Мазмуни: Ўғлим сенга мерос қилиб эзгу хулқ, одобни қолдираман, агар илмли, ақлли одамларга йўлиқсанг, уларга яқинлаш, улардан фойдалан. (ДЛТ. II т. 455-бет).

Аммо ёшлик чоғидаёқ нафақат илм олиш, балки йигитларга хос хусусият - от чопиш, қиличбозлик, найза улоқтириш, мерганлик, кураш тушиш каби ҳунар-билимларни ҳам пухта ўзлаштирди. Зеро ўз даврининг етук олимлари қўлида таълим олган, табобат, ҳарб, тил борасидаги фанларни чуқур эгаллаган. Шу боисдан бу борада у ўз китобида, "Мен тилда улар (эски қабила аъзолари – А.Н.)нинг энг етукларидан, энг катта мутахассисларидан, хуш фаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида ўз даврининг устаси найзадорларидан эдим", деб ёзади (ДЛТ – I т, 9-бет).

Маҳмуднинг отаси Ҳусайнхон худди шу шаҳарда истиқомат қилиб, қудратли давлатни бошқарар эди. Аммо ўша 1056-1057 йиллари Қорахонийлар давлати ичида сиёсий кескинликлар юз бера бошлади. Ички курашлар авж олди. Айниқса, бундан норози бўлган тахт даъвогарлари (улар ҳар қандай давр ва ҳокимият теварагида ҳам муттасил мавжуд эди - А.Н.) бу курашга жиддий аралашдилар. Натижада Маҳмуднинг отаси Ҳусайнхон ўлдирилди. Бу машъум воқеа пойтахт Борсағонда юз берди. Ушбу қонли воқеалар шоир кечинмаларида чуқур из қолдирганлиги, унинг ёзган сатрлари бўйлаб ўтли алам тарзида сизиб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

чиқиб туради. Ушбу сатрлар қадимги туркий халқ мақоли бўлиб, уни Маҳмуд Кошғарий сафари давомида ёзиб олган ва айни пайтда юқорида қайд этилган фикрларимизни далиллайди.

Қуш явузи сағизған,
Йиғач явузи азған.
Ер явузи қазған,
Будун явузи Барсаған.

Мазмуни: Қушнинг энг ярамаси, ёвузи зағизғон, дарахтнинг энг ярамаси азғон дарахти, бу шундай дарахтки, унинг оқ ва сариқ гули, зиракка ўхшаб осилиб турадиган қизил меваси бўлади. Бизда бу дарахтни токзорларнинг этагига экилади. Чунки у ўтинликка ярамайди, ёқилганда оловда парчаланиб сачрайди, уйдаги кийим ва бошқа нарсаларни куйдиради. Ерларнинг ярамаси ўнқир-чўнқир ер. Чунки ўтов қуришга ҳам, экин экишга ҳам ярамайди. Одамнинг ярамаси Борсағонда турувчилардир, чунки улар ёмон қилиқли, бахил кишилардир (ДЛТ. I том, 412-бет). Балки шу боисдан Маҳмуд Кошғарийнинг отаси айнан мана шундай ёвузлик қурбони бўлгандир. Чунки олим келтирган шеърдаги мазмун шундай фикрга ундайди.

Барсаған - Маҳмуд Кошғарий бу шаҳарни XI асрдаги катта савдо-сотиқ марказлари бўлган Қошғар, Арғу, Чигил каби шаҳарлар билан тенг қўяди. Ҳатто унинг Қорасангир (Қора юмалоқ тош – А.Н.) деган райони ҳам катта жой сифатида машҳур эди. Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра уни Афросиёбнинг ўғли(Барсаған – А.Н.) бино қилган.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг отаси (Ҳусайнхон – А.Н.) шу ерда туғилганини уқтиради. “Девон”да бу шаҳар халқи тилига доир кўпгина маълумотлар берилган. Чунончи: у шаҳар халқлари буғдой сўзини бидғой тарзида талаффуз қилишларини, бировнинг у шаҳар халқи эканини шу сўз билан синаб билиш одатларини баён қилган. Маҳмуд Кошғарий бу шаҳар Ўш шаҳрининг қаршисида эканини, у билан Ўш оралиғида Бадал арт (довон – А.Н.) деган жой-қишлоқ борлигини кўрсатган. Лекин “Девон”да барсағонликларни бахилроқ деб камситилган парчалари ҳам бор(С.М.Муталлибов – 1960, 494-бет). Ушбу шаҳарнинг номи Барскон, Барсаған тарзида ифода этилгани ҳолда, жойлашган географик нуқтаси тарихга оид карталарда аниқ кўрсатилмаган. Аммо Б.Тўхлиев (2020) уни ҳозирги Қирғизистонда Барскон дарёси ва Барскон довони бор. Улар Иссиққўл атрофида жойлашган. Худди шу ерда Барскон шаҳри бўлган. Маҳмуднинг отаси ва бобоси (Қашғарлик эди – А.Н.) шу шаҳардан эди, деб ёзади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

Маҳмуд Кошғарий отасининг ўлимидан сўнг тахтга даъвогарликдан воз кечди. Илм олишга, бор илмини янада бойитишга ахд қилди. Бу борада ўзидан олдин ўтган фан улуғлари йўлини муносиб билди. Дил оромини илм орттиришда деб билди. Ушбу фикрлар унинг қуйидаги сатрларида аниқ ўз аксини топади:

Эрди ўза эранлар,
Эрди беги билиг тағ.
Ажди окуш огутлар,
Конлум болуб анар сағ.

Мазмуни: илгарилар илм чўққисини эгаллаган, фазилат устозлари бор эди. Улар кўп-кўп насиҳатлар сўзлар эдилар, кўнгилга улар ором беради (ДЛТ. III т. 116-бет).

У ўзи нақл қилган улуғ устозлар қаторида туриш учун фақат билим олиш, уни тўплаш ва юртга тарқатиш лозим эканлигини юксак мартаба тарзида қабул қилиб, айниқса тил илмига кучли, меҳр қўйиб уни ўрганиш учун бу юмушга астойдил киришади. Маҳмуд Кошғарийнинг илк устозларидан бири Қашғарлик Ҳусайн халифадир. Сўнг у Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Боғдоддаги мактаб ва мадрасаларда ўз илмини оширган (Б. Тўхлиев - 2020). Унинг фан йўлида қилган энг муҳим хизмати 15 йил давомида туркий халқлар яшовчи элларни пойи-пиёда кезиб, уларнинг сўзлашув жараёнида қўлланиладиган сўзларни жонли тарзда ўрганганлиги ва ушбу машаққатли сафар чоғида йиғилган маълумотлар асосида фанда дастлабки туркий тил грамматикасини ишлаб чиқа олганлигидадир. Энг қизиқарли ва эътиборли томони шундан иборатки, бу асар орқали олим жонли туркий тил сўзлашувида ишлатиладиган сўзлар маъносини араб тилида изоҳлаб бера олди. “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар давомида кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб аниқладим” деб ёзади у (ДЛТ. I том, 17-бет). Шу тариқа ушбу “Девону луғатит турк” деб аталган китоб араб алифбосида ва араб тилида шаклланди. Зеро ўша даврларда араб тили ва алфавити илмда етакчилик қилар эди. Ушбу бебаҳо асар ёзилганидан минг йил ўтиб, фақат 1960-йилдагина у ўзбек тилига ўгирилди. Ушбу таржимани араб тили мутахассиси, нуктадон филолог олим, ўша вақтлари филология фанлари номзоди, кейинчалик филология фанлари доктори С.М.Муталлибов амалга оширди. Унга шарҳлар ёзди. Биз ушбу нусха асосида уни ўрганиб, бу борада камтарона фикрларимизни ифода қилишга журъат этдик.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

Маҳмуд Кошғарийнинг дастлабки асари “Жавоҳируннаҳви фи луғотит турк” –“Туркий тилларнинг наҳв қоидалари” деб аталган. Аммо ушбу асар бизга етиб келмаган, бу китоб янада мураккаброқ, шу боисдан унинг ёзилиши янада кўпроқ вақтни олган эди(С.М.Муталлибов - 1960, 16-бет).

НАТИЖАЛАР

Олимнинг навбатдаги китоби “Девону луғати-т-турк” шу даражада кенг қамровли, мазмунида жуда кўплаб маълумотларни тўплаб олган қимматли, айтиш мумкин, қиймати йўқ асарки, бундай китобни ёзиш учун ўша давр эмас, ҳозирги илм-фан ривожланган бир пайт чамаси билан ҳам ўнлаб йиллар кифоя қилмаслиги аниқ. Бу борада Маҳмуд Кошғарий ўзи ушбу асарида изоҳ бериб шундай ёзади. “Нок йили туркларнинг ўн икки йил номларининг биридир. Бу китоб (Девону луғати-т-турк -А.Н.)нинг ёзилган йили нок йили эди” (Маҳмуд Кошғарий - ДЛТ. III т., 116-бет). Яъни ҳижрий 469-йил, милодий 1068 йил, олимнинг кексайган даврига тўғри келади. Асарнинг ёзилиб битган йили аниқ бўлса ҳам китоб устида олим қанча вақт ишлагани ҳақида бирор маълумот йўқ. Асарнинг ҳажман катталиги, кўп қиррали экани, унда жуда кўп муҳим илмий масалалар ечимининг мавжудлиги, китоб билан муаллиф 15 йил ишлаган деган ривоятнинг тўғри эканлигига шубҳа қолдирмайди (С.М.Муталлибов - ДЛТ, I т., 27-бет). Чунки Маҳмуд Кошғарий девон устида ишлар экан, китобда келтирилган маълумотларни қандайдир муқаддам ёзилган манбалардан кўчириб олмасдан, балки ўша даврнинг жонли тарзда сўзлашувчи кишиларидан, ўша сўз эгалари туркий қавмлар яшаган юртларни кезиб уларни донама-дона дур каби териб олиб тизимлаштирди. Бундай ўта мураккаб ва кўп вақт талаб қилувчи тадқиқот узоқ йиллар давом этиши табиий эди. Ушбу жараённи ўрта асрларга хос техника, транспорт, хизмат кўрсатиш (овқатланиш, дам олиш, ювиниш, даволаниш, ҳаракатланиш-юриш ва ҳакозо) тизимлари суст ривожланган даврга тенглар бўлсак, у яъни биз “саёҳат” деб атаётган машаққатли сафар - экспедиция Маҳмуд Кошғарий учун нақадар оғир кечганлигини чуқур англаш имконияти туғилади. Халқда “Табиб табиб эмас, бошидан кечирган табиб” деган ўтли нақл мавжуд. Ушбу сатрлар муаллифи неча бор тоғ-тошлар, биёбонлар бўйлаб ўн, нари борса ўн беш кун (ўн беш йил муттасил эмас ахир) пиёда саёҳат қилар эканман, Носир Ҳисрав, Маҳмуд Кошғарий, Ибн Батута каби устоз сайёҳ олимларнинг нақадар чексиз ирода, метин саботга эга фан фидоийлари эканликларини чин дилдан ҳис қиламан. Маҳмуд Кошғарий Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр (Самарқанд,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

Бухоро, Кеш ва ҳ.к.), Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган кенг ва катта ҳудудни бирма-бир кезиб чиқди ва ушбу ҳудудда яшаган уруғлар, қабилалар, халқларнинг ўзини, уларнинг касб-корларини, турар жойларини нуфузларини аниқлади ва уларнинг тилларини синчиклаб ўрганди. Натижада катта ҳудуд бўйлаб яшовчи халқларнинг, уруғларнинг тилларини жуда пухта, мукаммал аниқлашга муваффақ бўлди (С.М.Муталлибов – ДЛТ., I т., 16-бет). Ўша ўрганилган ва тўпланган сўзлар таркибида нафақат лингвист, этнограф ёки тарихчи, балки бизни яъни географларни ҳам қизиқтирувчи кўплаб халқ географик терминлари ҳам мавжуддир.

Маҳмуд Кошғарий ҳаёти саҳифаларидан Боғдод воқеалари ҳам қизиқ кечинмали ўрин олган. Бу борада шарқшунос олим ва шоир, давлат арбоби Носир Муҳаммад 1068-йили у (Маҳмуд Кошғарий – А.Н.) вазият тақозоси билан ислом дунёси олимлари йиғилган ва илм-фан марказига айланган Боғдод шаҳрига боради. Натижада бу ерга йиғилган олимлар мулоқотида бўлиб, илм-фан ютуқлари билан яқиндан танишган. Шу билан биргаликда Боғдодда мавжуд бўлган илмий муҳитдан унумли фойдаланган. 1072-1074-йилларда у Боғдод шаҳрида машҳур “Девону луғатит турк” асарини ёзиб битирди (Н.Муҳаммад – 2010, 64-бет). Аммо қайд этилган бу сана, гўё айрим тадқиқотчилар даъво қилгани каби “Девону луғатит турк” икки-уч йил давомида ёзиб тугалланди, деган маъно бермайди. Балки у, ушбу қомусий асарнинг айрим тузатишлар билан тугалланган санасинигина кўрсата олади холос. Зеро Маҳмуд Кошғарий ушбу асарини биз юқорида қайд қилганимиз ва кўпгина Кошғарийшунослик билан муқаддам шуғулланган устозлар таъкидлаганлари каби ушбу жараён 15-20 йилни ўз ичига қамраб олган, дея фикрлаш мантиқ мазмунига бирмунча яқиндир.

Дарвоқе Боғдод шаҳри илм-фан маданият маркази сифатида илк ўрта асрларданоқ шуҳрат қозона бошлаган эди. У халифа Хорун ар-Рашид ҳамда унинг ўғли ва издоши халифа ал-Маъмун даври (850 йиллар)да ўзининг юксалиш чўққисига кўтарилди. Ушбу шаҳарда “Байт ул Ҳикма” – ҳикматлар уйи яъни Маъмун Боғдод фанлар академияси ташкил этилиб, замонасининг буюк донишмандлари, юртдошларимиз, ушбу академия шайхул раиси - Мусо Хоразмий, унинг ёнида ал-Фарғоний, Марвлик Марвазий каби олимлар дунё фани цивилизацияси учун етакчилик қилдилар. Шу муносабат билан Боғдодда кучли илмий мактаб шаклланди, натижада Диний-дунёвий илмларнинг барча йўналишлари кейинчалик ҳам гуркираб ривожланди. Бу ҳолат Маҳмуд Кошғарий яшаган XI асрда ҳам анча барқарор эди. Ота-бола маърифатпарвар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

халифалар Хорун ар-Рашид, халифа ал-Маъмун ва унинг издошлари йиғилган Боғдоддаги саройда улкан кутубхона шаклланган. Бу орада дунёнинг барча бурчакларида мавжуд бўлган илм-фан наъмуналари йирик асарлар тарзида кутубхона токчаларини безаб турар, ноёб китоблар улкан сандиқларни лиқ тўлдирган эди. Юнон, санскрит, ҳинд, хитой, турк тилидан араб тилига, араб тилидан бошқа тилларга ўгирилган ноёб таржималар халифа саройининг кўрки, безаги, ғурури бўлган. Улар XI асрда ҳам халифа Хорун ар-Рашид ва халифа ал-Маъмун давридан қарийб икки юз йил кейин ҳам ҳамон Боғдод кутубхоналарида ўз ўқувчиларини кутиб тахт турар эди (Н.В.Гогол- 2000). Бу ҳолатдан Маҳмуд Кошғарий бехабар бўлмаслиги мумкин эмас бир юмуш бўлгани ҳолда, уни айнан ўша туйғу илм-маърифат марказига етакланлигини ажабланарли воқеа деб бўлмайди.

МУҲОКАМА

Шу боисдан Маҳмуд Кошғарий Боғдодда пайдо бўлди ва саййидимиз, улуғимиз Абулқосим Абдуллоҳ бинни Мауҳаммадил Муқтадо биамриллоҳга армуғон этилган (Б.Тўхлиев.2020й). Бизнинг фикримизча Маҳмуд Кошғарий китобини буюк давлат арбобига элтар экан, ундан моддий манфаат, мукофот кутмаган. Аксинча у ўзи ёзган асарнинг илмий салмоғи нечоғлик залворли эканлигини пайқослаб турган ва айни замонда уни дунёнинг энг бой маърифат масканларидан бири, Боғдод кутубхонасида сақланишини ва шу орқали келгуси авлодларга нафи тегишини жуда истаган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Зеро у ўз девонида қуйидаги мазмунли халқ нақлини келтиради:

Алғил ўгут мендин, оғул эрдан тила,
Бойда улуғ билга болуб, билгин ула.

Мазмуни: эй ўғлим, мендан ўгит насиҳат ол, одобли ва тарбияли бўлишга тириш, токи эл ичида зўр олим бўлиб танил ва улар орасида одоб ва илм тарқат (Маҳмуд Кошғарий - ДЛТ, I т, 85-бет). Бу даврда Маҳмуд Кошғарий халқ нақлида айтилгани каби зўр олим бўлиб етишган эди. Аммо илмини тарқатиш учун ўрта асрлардек маориф, оммавий ахборот воситалари суст ривожланган бир даврда, илм тарқатишнинг ягона йўли ёзган китобини машҳур кутубхоналарга топшириш эди холос. Чамаси Маҳмуд Кошғарий тўғри йўл тутди, яратган бебаҳо асарининг нусхасини Боғдод кутубхонасига халифа орқали топширди ва бизга қадар етиб келишини таъминлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Маҳмуд Кошғарийнинг буюк китоби “Девону луғатит турк” шу даражада кенг қамровли, тарбиявий мазмунга бой жуда кўплаб маълумотларни тўплаб олган қимматли асар дейиш мумкин, у шу қадар қиймати йўқ асарки, бундай китобни ёзиш учун ўша давр эмас, ҳозирги илм-фан ривожланган бир пайт чамаси билан ҳам ўнлаб йиллар кифоя қилмаслиги аниқлиги кўрсатилган.

Маҳмуд Кошғарий ўша даврнинг жонли тарзда сўзлашувчи кишиларидан, ўша сўз эгалари туркий қавмлар яшаган юртларни кезиб тўплаган халқ нақлларини, халқ мақолларини, халқ терминларини, ўша ҳудудлардар халқлари тилларига доир кўпгина шу каби маълумотларни ҳар бирини кетма-кетликда териб чиқиб тизимлаштирган. Бундай ўта мураккаб ва кўп вақт талаб қилувчи тадқиқот узоқ йиллар давом этиши табиий эди. Ушбу жараённи ўрта асрларга хос техника, транспорт, хизмат кўрсатиш тизимлари суст ривожланган даврни тасаввур қиладиган бўлсак, Маҳмуд Кошғарий учун нақадар оғир кечганлигини чуқур англаш имконияти туғилади. Натижада катта ҳудуд бўйлаб яшовчи халқларнинг, уруғларнинг тилларини жуда пухта, мукаммал аниқлашга ва изоҳлашга муваффақ бўлганлиги асосли ёндашувлар борасида ёритиб берилган.

REFERENCES

1. Абдураҳмонов Ф, Муталлибов С. “Девону луғатит турк” Индекс. Ўзб. Ф.А нашриёти 1967, 512-бет.
2. Гогол Н.В. Ал-Маъмун. Асрор Низомов таржимаси. Т.; “Сирли олам” 2000 йил июнь сони.
3. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк” I том Т.; Ўзб. ССР Ф.А. нашриёти 1960, 449-бет.
4. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк” II том Т.; Ўзб. ССР Ф.А. нашриёти 1961, 427 бет.
5. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк” III том Т.; Ўзб. ССР Ф.А. нашриёти 1963, 46- бет.
6. Муҳаммад Н. Турон давлатлари йилномаси (Милоддан аввалги III асрдан, милодий XX аср бошларига қадар). Т.; “MERVUS” 2010, 127-бет.
7. Муталлибов С.М. XI асрнинг улуғ тилшунос олими Маҳмуд Кошғарий “Девону луғати-т-турк” I том Т.; Ўзб. Ф.А. нашриёти 1960, 17-бет.
8. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари. Т.; “Ўзбекистон 1991 йил, 60-бет.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

9. Ўзбек энциклопедияси. XIV том, 1980, 182-бет. Қорахонийлар.
10. Ҳасанов.Ҳ. Маҳмуд Кошғарий Т.; Ўзфанакадемнашр. 1963, 77-бет.
11. Саттаров Абдисамат Умиркулович, Намозов Джурабек Абдуазизович, Раджабов Фуркат Туракулович. (2021 год). Влияние пастбищного животноводства на сельскохозяйственные угодья Самаркандской области. Annals of the Romanian Society for Cell Biology , 25 (2), 447–451. Получено с http://annalsofrscb.ro/index.php/journal/article/view/969
12. Муҳаммадисмоил Мухитдинович Маҳмудов, & Дилфуза Махмудовна Дусмуродова (2021). ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ. Academic research in educational sciences, 2 (4), 646-654. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00642
13. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
14. Oybek Uralovich Abdimurotov (2021). “YEVROSIYO MATERIGI”NI O'QITISHDA “KEYS STADI” METODIDAN FOYDALANISH USULLARI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 377-382. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00048
15. Akbar Orolovich Shernaev (2021). GEOGRAFIYA DARSLARIDA “GEOGRAFIK SAYOHAT USULI” DAN FOYDALANGAN HOLDA DARSLARNI TASHKIL ETISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 370-376. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00047
16. Sherzod Ibroim O'Gli Ibroimov, & Saida Zunnunovna Mirzarahimova (2021). GEOGRAFIK NOMLARNING YOZILISHI VA TRANSKRIPSIYASI. Academic research in educational sciences, 2 (1), 789-798. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00100
17. Lobar Vohidovna Djurayeva, & Muhammadbek Norbek Ogli Berdiqulov (2021). UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHNI YANADA RIVOJLANTRISH. Academic research in educational sciences, 2 (1), 128-132. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00017
18. Муҳаммадисмоил Мухитдинович Маҳмудов, & Сабохат Кадиркуловна Ахмедова (2021). БУХОРО ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА “ЖАЙРОН” ЭКОЛОГИК МАРКАЗИНИНГ АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, 2 (3), 544-553. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00436

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00863

19. Джумабаева, С. К. (2020). ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
20. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
21. Shernaev, A. O. (2020). GEOGRAFIYA DARSLARINI O'QITISHDA ATLAS VA XARITALAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYALARI. Academic research in educational sciences, (4), 657-662.
22. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Актути Араповна Туйчибекова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ (ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 456-471.
23. Ражабов, Ф. Т., & Абдимуротов, О. У. (2020). ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСЛАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЁТИ. Academic research in educational sciences, (4), 663-671.
24. Jurayeva, L. V., & Yeshinbetova, G. A. (2020). NOZOOGEOGRAFIK VAZIYATNI YAXSHILASHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA EKOLOGIK MUAMMOLARNI O'RGANISH PRINSIPLARI. Academic research in educational sciences, (4), 630-638.
25. Маҳмудов Муҳаммадисмоил Муҳитдинович (2018). Андижон вилояти туристик салоҳияти ва унинг минтақа ривожланишига таъсири. Экономика и финансы (Узбекистан), (6), 21-26.
26. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, & Гулчехра Курдашевна Юсупова (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (ТАБИАТШУНОСЛИК ФАНИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 370-378.
27. Муҳаммадисмоил Мухитдинович Маҳмудов (2021). ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 880-891. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00277